ЎЗБЕК ХАЛҚ АФСОНАЛАРИДА ҲАЙВОНЛАР ОБРАЗИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЛҚИНИ

М. Раҳмонова

В статье рассматривается своеобразие художественной интерпретации образов животных, их место и идейно-художественные функции в структуре узбекских народных легенд.

In this article the originality of art interpretation of images of animals, their place and ideological - art functions in structure of the Uzbek national legends are considered.

Ўзбек халқ афсоналарида ҳайвонлар образи бадиий талқини ҳам алоҳида ўрин тутади**.** Маълумки, инсоният азал-азалдан ҳайвонот оламига қизиқиш билан қараган. Ҳайвонларга нисбатан турлича муносабат халқнинг нафақат турмуш тарзи, урф-одатлари, маросимлари, ирим-сиримлари, балки бадиий ижодига ҳам таъсир кўрсатган. Бу ҳодисанинг исботини ўзбек фольклорида кўп кузатиш мумкин. Чунончи, халқ оғзаки ижодининг миф, афсона, ривоят, эртак, мақол ва топишмоқ, достон ва қўшиқ каби жанрларида турли ҳайвон номлари учраши бежиз эмас. Халқ ҳайвонлар образини ҳар доим мажозий маънода қўллаб, шу орқали атрофдагиларни турли хулосалар чиқаришга ундаган. Инсонлардаги иллатларни йиртқич ҳайвонлар, яхши сифатларни эса ювош ва фойдали ҳайвонлар образига сингдириб, шу орқали ўз мақсадларини бадиий ифода этганлар.

Ўзбек фольклорида, жумладан, афсона жанри намуналарида от, бўри, туя, ит каби ҳайвон образлари турли бадиий-эстетик вазифаларда кенг талқин қилинади. Чунки қадимданоқ аждодларимиз от, туя, ҳўкиз, ит каби жонзотлардан турли мақсадларда фойдаланиб келган. Айтайлик, от ва туя кишиларнинг узоғини яқин қилишда, ит ов қилиш жараёнида, уй-жойни қўриқлашда, мол боқишда, ҳўкиз деҳқончилик ишларида инсонларнинг кўмакдоши бўлган. Ҳозир ҳам ўзбек хонадонларининг аксариятида зотдор отлар, туялар, ҳўкизлар, итлар махсус боқилади.

Афсоналарда **учар от, оқ туя** каби ***ғаройиб ҳайвонлар образи*** алоҳида ўрин тутади***. Учар от образи,*** асосан, топонимик афсоналарда кўп учрайдиган анъанавий образлардан биридир. Хусусан, топонимик афсоналарда маълум бир жойнинг келиб чиқиши учар отларга боғлаб талқин қилинади. Бунга “Минг отнинг қўлга туширилиши” афсонаси сюжети мисол бўла олади. Айтишларича, қадимда бир шаҳар ўрнини қалин саксовулзор эгаллаган бўлиб, бу ерда бешта булоқ бор экан. Сеҳрли қанотли отлар галаси учиб келиб, шу булоқдан сув ичаркан. Сулаймон исмли бир киши уларни қўлга ўргатмоқчи бўлибди. Бунинг учун у бир сеҳргарнинг маслаҳати билан булоқ сувига май аралаштирибди. Шундан кейин мингга яқин афсонавий от учиб келиб, булоқ сувидан ичиб, маст бўлиб қолишибди. Парвоз қила олмай қолган отларни Сулаймон қўлга тушириб, қанотларини қирқиб ташлабди. Натижада бу отлар қанотидан айрилиб, ерда юрадиган ҳайвон бўлиб колишибди. Шундан сўнг от насли одамнинг яқин дўсти ва хизматкорига айланиб қолган экан.

“Ипак йўли афсоналари” тўпламида “Ҳазораспнинг келиб чиқиши” ҳақида беш хил вариантдаги афсона келтирилган. Улар турлича номланган. “Қанотли арғумоқларнинг қўлга туширилиши”, “Ҳазораспи банд”, “Ҳазораспнинг пайдо бўлиши”, “Дев солган”, “Минг отнинг қўлга туширилиши” афсоналари шулар жумласидандир. Уларда ғаройиб от образи асосий ўрин тутади ва шу образ орқали бу топонимик афсоналар бир-бирига вариант ҳисобланади.

Ушбу афсоналарнинг ҳажми турлича. Уларнинг деярли барчасида Сулаймон пайғамбар, Девлар ва учар отлар образи иштирок этган. Ана шу образлар бирлигига кўра улар ягона туркумга бирлашади.

Афсоналарда ***туя образи*** образи алоҳида ўрин тутиб, ўзига хос бадиий вазифа бажариб келади. Кўпинча бу образ ҳам ғайритабиий от образи каби топонимик афсоналарда учрайди. Масалан, “Бобо Қамбар туяси” афсонасида Нурота яқинида устига юк ортилган туяни эслатувчи улкан қоятош борлиги, маҳаллий аҳоли уни «Шутури бобо Қамбар», яъни Бобо Қамбарнинг туяси деб аташи ҳақида ҳикоя қилинади ва бу атаманинг келиб чиқиши афсонада шундай изоҳланади: “Тош остида ғорга ўхшаш кичкина ковак кўзга ташланади. Шу ковакда девлар макон қилишган экан. Улар Нурота подшосини енгиб, ҳукмдорнинг соҳибжамол қизи Зайнуларабни ўғирлаб, ана шу ғорга яшириб қўйишибди. Бу хабар тилдан тилга кўчиб, охири Алининг ўғли Муҳаммад Ҳанафиянинг қулоғиға етиб борибди. Жасур йигит ваҳший девлар билан курашишга қарор қилибди. У ёнига Бобо Қамбарни олиб, девлар макон қилган жойни ахтариб йўлга тушибди. Улар ғор ёнига келишганида йигит ковакнинг оғзини тўсиб турган тошни олиб ташлашни Бобо Қамбарга буюрибди. Бобо Қамбар ковак оғзини бекитиб турган тошни олиб, ўзининг туяси томонга қараб отибди. Тош тўппа-тўғри ҳали юки туширилмаган туяга тегибди. Туя устидаги анжоми билан ўша заҳотиёқ тошга айланиб қолибди. Имом Муҳаммад Ханафия ғафлатда қолган девлар устига бостириб кириб, жанг бошлабди. Бирпасда девларга қирон келтирган ботир, асира қизни ҳам қутқарибди.

Ўғлининг жангу жадаллари Алига аён бўлиб, тезда етиб келибди. Бу пайтда Муҳаммад Ханафия девларнинг маконини забт этиб улгурган экан. Али жанг бўлган ерга тиз чўкиб, тиззалари ва пешонаси теккан ер муқаддас қадамжога айланишини худодан илтижо қилибди [2;53].

“Бобо Қамбарнинг туяси” афсонасида туя тошга айланиб қолади ва душманнинг йўлига тўсиқ бўлади. “Оқ туянинг йўли” афсонасида эса оқ туя одамларга сув йўлини очиб беради. “Бобойи Кабир” афсонасида оқ туя келиб чўккан жойга авлиёнинг жасади кўмилади. Демак, туя образи афсонада уч хил талқин билан боғланаётир ва бунда, асосан, оқ туя образига эътибор қаратилаётир. Бу бежиз эмас, чунки оқ туя халқ назарида арвоҳлар культи билан боғланади. Бу образ, асосан, топонимик афсоналар сюжетида учрайди.

“Нурли тош” афсонасида сеҳрли туя образи пайдо бўлиб, бойга мол-давлати бўлса-да, фарзанди йўқлиги туфайли тўплаган давлати бекор қолиб кетишини айтиб, уни огоҳлантириб, кўздан ғойиб бўлади. Бу ўринда туя огоҳлантирувчи вазифасини бажаради.

“Биби Зубайда қабристони” афсонасида оқ туя келиб чўккан жойда қабристон пайдо бўлади. Халқ орасида туя арвоҳ сифатида қаралиши туфайли афсоналарда кўпинча у қабристонлар келиб чиқиши билан боғлаб талқин қилинади.

“Бухоронинг бино этилиши”, “Бухоро аркининг бунёд этилиши” каби топонимик афсоналар сюжетида ***ҳўкиз образи*** алоҳида ўрин тутади. Афсоналарда ҳўкиз образининг келиб чиқиши ва талқини масаласида таниқли фольклоршунос М.Жўраев ҳам айрим қимматли мулоҳазаларни билдириб ўтган [3; 28-38].

“Илонбузган”, “Илонтепа” сингари топонимик афсоналарда ***илон образи*** алоҳида эътиборни тортади. Бу афсоналарда илон муайян топонимнинг келиб чиқишига сабабчи қилиб кўрсатилган.

Умуман айтганда, бу анъанавий образлар аждодларимизнинг тотемистик ишончлари асосида келиб чиққан. Инсоният дастлабки хонакилаштирган, ўзига ўргатиб олган жонзотлардан бири **ит**дир. Шу сабабли итга одамлар орасида муносабат анча ижобий. Аммо итнинг салбий ва ижобий хусусиятлари мавжудлиги боис, бу хусусиятлар ҳар бир фольклор намунасида турлича ёритилган. Инсоннинг турмуш тарзига йўлдош, вафодор дўст, ёрдамчи куч, айниқса, чўпон-чўлиқларнинг доимий ҳамроҳи, кўмакчиси бўлган бу жонивор баъзида ниҳоятда кўкларга кўтарилиб, муқаддаслаштириш даражасида образлантирилганлиги кузатилади.

Инсонлар итга алоҳида муносабатда бўлганлиги неча йиллардан буён сақланиб келаётган халқ орасидаги ирим-сиримлар орқали аёнлашади. Масалан, янги туғилган чақалоққа оғир чилла тушса (Бунинг белгиси сифатида чақалоқ танасига яра-чақа тошиб кетади, у 7 ойдан то 1 йилгача давом этиши мумкин.) уни ўлган ит кўмилган жойга юмалатиб олинади ва эгнига “ит кўйлак” деб юритиладиган махсус кўйлак кийдириб қўйилади. Фарзанди йўқ аёллар эса кучук болалари бўлган ит уяси устидан сакратилади. Ёки яна бир ирим — кўзга говмижжа чиқса, итга салом берилади. Шундай қилинса, чиққан говмижжа ўз-ўзидан қайтиб кетади деган эътиқод бор. Итнинг терисидан оёқ оғриғига, ёғидан оёқ, қўл, бел оғриғига, шамоллашга, гўштидан ўпка шамоллашига даво сифатида фойдаланилади.

Қадимги кишиларнинг эътиқодига кўра, ит нариги дунё — ўликлар мулкига кириш эшигининг қўриқчиси эмиш. “Авесто” мифларида эса муқаддас ит ўлган кишиларнинг руҳи нариги дунёга ўтадиган “Чинват кўприги”нинг посбони сифатида талқин этилган.

Халқ оғзаки ижодида **ит образи** яратилишига қадимги инсонларнинг ит культига алоқадор эътиқодий қарашлари самарали таъсир кўрсатган. Фольклорнинг энг қадимий ва кенг тарқалган

жанрларидан бири бўлган афсоналарда ит ҳақида турлича талқинлар учрайди. Жумладан, ит ҳақидаги афсонавий қарашлар кейинчалик эртакларда ит образининг алоҳида бадиий талқин этилишига олиб келган. Эртакларда ит образи алоҳида ўрин тутади ва турли бадиий вазифаларда талқин қилинади. Жумладан, эртакларда ит образи кўпинча вафодор ва содиқ ҳамроҳ, йўлдош, ҳомий-кўмакчи поэтик вазифаларида келади. Масалан, "Вафодор ит" эртагида итнинг вафодорлиги, ўз эгасига нисбатан содиқлиги ўрнак бўларли даражада тасвирланган. "Содиқ дўст" эртаги сюжетида эса шоҳ томонидан ўлимга буюрилган чақалоқ — шаҳзода ўрнига ит ўлдирилиб, унинг қонига боланинг кийимлари ботирилиб, қонли белгиси билан шоҳга келтириб кўрсатиш мотиви учрайди.

Баъзи эртакларда маликага "ит туғди" дея туҳмат қилиниб, шоҳ билан малика ўртасидаги илиқ муносабатга, муҳаббатга рахна солинади. Малика туққан чақалоқ итга алмаштириб қўйилади. Бунда ҳам ит инсонга ўриндош сифатида талқин қилинганлиги кузатилади.

"Зумрад ва Қиммат" эртагида итнинг уй қўриқчиси вазифаси билан бир қаторда кутилаётган хабардан дарак берувчи, бўлажак воқеаларни олдиндан билувчи вазифаси тасвирланган.

"Бойвачча ва пари" эртагида ит ўзига ёмон муносабатда бўлган эгаси – ялмоғиз кампирга вафосизлик қилиши мотиви учрайди. Ялмоғиз кампир кучугига ҳаммавақт суяк ўрнига сомон беради. Шунинг учун ит уни ёқтирмайди. Кунлардан бир куни бир йигит келиб, кучукни эркалаб, унга яхши гапириб, олдига суяк ташлайди. Бунинг эвазига ит ялтоқланиб, йигитга ялмоғиз кампирнинг сеҳрли буюмларини қўлга киритишида ёрдам беради.

Ит образи достонларда ҳам учрайди. Достонларнинг сюжетида ит кўпинча ёрдамчи куч вазифасида талқин этилади. Масалан, "Рустамхон" достонида ит бош қаҳрамонга душман қўйган тузоқлардан ўтишга ёрдам беради.

Ўзбек халқ мақолларида ит вафодорлик, садоқатлилик, ориятлилик, чин дўстлик рамзи сифатида талқин қилинади. Аммо баъзи мақолларда итнинг салбий хусусиятлари инсонларга хос вафосизлик, очкўзлик, зўравонлик, ахлоқсизлик, нопоклик каби иллатларни бадиий ифодалаш учун қиёсий манба сифатида келтирилади. Масалан, "Ит қутурса, эгасини қопар" мақоли босар-тусарини билмай қолган, ўтмишини унутган кимсаларга қарата айтилади. Қутурган ит ҳеч кимни, ҳатто кечагина ўзига овқат бериб юрган эгасини ҳам аяб ўтирмаслигини барча яхши билади. Қутурган ит дарди бедавога учраган касал ҳисобланади. Шунинг учун у қопган одам қутуриш хасталигига мубтало бўлиб, заҳарланади ва маълум муддат ўтгач, у итдек одамларга ташланиб, уларга зарар етказмоқчи бўлади. Итнинг қутурганлиги сезиб қолинса, дарҳол у йўқ қилинади.

Хуллас, ўзбек фольклорида ит, от, туя, ҳўкиз ва ҳоказо каби ҳайвонлар образи алоҳида ўрин тутади ва улар турлича ўзига хос бадиий-эстетик вазифаларда кенг талқин қилинади.

Адабиётлар:

1. Имомов К. Афсона жанри. – ЎТА.- 1976.- №4.- Б.68-72
2. Ипак йўли афсоналари. (Жой номлари билан боғлиқ афсоналар). Тузувчи, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Жўраев.-Т.: Фан, 1993, 53-бет.
3. Бухоро афсоналари.-Т. Халқ мероси, 2002
4. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. Т.: Фан, 1991.
5. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари.- Т.: Фан, 1995
6. Жўраев М Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар.- Т., 1994
7. Муродов М. Афсоналарда шоир сиймоси. –ЎТА.- 1967.-№ 4.- Б.24-28
8. С.Рўзимбоев ва Ш.Бекчанов. Афсона ва тарихий ҳақиқат.– Хива, 2000.
9. Мирзаева С. Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси. Т.: Фан, 2004

Андижон давлат университети,
2009 йил 7 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. С.Мирзаева)